

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 49 (10.354)

2005 ЙИЛ 14 МАРТ

Ўлкамизда НАВРЎЗ НАФАСИ



Ўлкамизга фасллар келинчаги баҳор келиши билан кўчаларимиз, дала боғларимиз, ҳовлиларимиз яшилликка, гулу чечакларга бурканмоқда. Бутун борлиқ узра Наврўз нафаси, Наврўз шукуҳи уфурмоқда. Шу боис шаҳримизда ҳар йилги анъанага кўра ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Умумхалқ байрамлари арафасида маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, шаҳардаги санитария, эпидемиологик ҳолатни яхшилаш, Наврўз умумхалқ



байрамини нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги бошланиб кетди, 19 март куни эса умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади. Айни кунларда жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари мана шундай уюшқоқлик ҳамда кўтаринки руҳ билан давом этмоқда.



XVI саҳоси

Барча макбалардан
олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавкултонда ва мухтор элчиси Жон Пурнелли қабул қилди. Сўхбат давомида икки томонлама алоқалар, минтақавий хавфсизлик ва Афғонистондаги вазиятга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

• Тошкентда халқ таълими тизими раҳбар ходимларининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўртбошимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузаси ҳамда Оқсаройда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан бўлиб ўтган йиғилишдаги нутқида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳусусида сўз борди.

• «ЭКОСАН» халқаро ташкилотида Сихат-саломатлик йили ҳамда Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган биринчи босқич тадбирларини амалга ошириш юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди. • Ўтган икки кун давомида Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида қурраи заминнинг энг кучли олти терма жамоаси иштирокида эркин кураш бўйича жаҳон Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда барча рақиблари устидан ғалаба қозongan Куба Республикаси терма жамоаси голиб чиқди ва жаҳон Кубогини қўлга киритди.

• Жиззахда баҳши-шоирлар, оқинлар, халқ хунармандлари ва фольклор-этнографик жамоалар иштирокида Сихат-саломатлик йилига бағишлаб ўтказилган вилоят кўрик-танловининг якунлари чиқарилиди.

Жаҳонда

• Ўтган йилнинг декабрь ойида тўфондан жабрланган мамлакатлар БМТ билан ҳамкорликда цунамининг олдини олувчи тизимни ишга тушириш тартибини мувофиқлаштириб олишди.

• Ироқнинг шимолида жойлашган Мосул шаҳрида содир этилган кучли портлаш натижасида 46 киши ҳаётдан кўз юмди, 100 га яқин киши жароҳатланди.

• Испания пойтахти Мадрид шаҳрида 2004 йилнинг 11 март куни амалга оширилган террорчилик ҳаракати қурбонлари хотираси ёд этилди.

• Аргентинанинг Буэнос-Айрос шаҳри темир йўл бекати яқинида шаҳар атрофидаги манзиллар йўналиши бўйича катновчи электрчиқа станцияга кириб келаётганда жўнаш учун тайёр турган поездга урилиб кетиши натижасида камида 129 киши турли даражадаги жароҳатларни олди.

ПОЙТАХТНИНГ Дир кўни

Янгиликлар, воқеалар

Кўсма

• **ЎТГАН** куни Мирзо Улугбек туманидаги Охунбобоев номли маҳаллада бўлиб ўтган «Миллий қадриятлар — қалб эътиқоди» мавзусидаги тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.

• **ЭРТАГА** Бектемир туманидаги мактабларнинг «Қамолот» ЕИХ етакчилари Ўзбекистон тарихи Давлат музейига экскурсия уюштиришади.

• **ЎТГАН** куни шаҳримизда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган oilалар фарзандлари, иктидорли ёшлар, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси тизими муассасалари ўқувчилари иштирокида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган хайрия концерти ўтказилди.

• **ШАҲРИМИЗДА** кино соҳаси мутасаддилари, мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда ўзбек кино санъати ривож йўлида қилинган ишлар ҳамда келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар режаси муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНИШ — МУҚАДДАС БУРЧ

Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Бош қонунимизда инсон ҳуқуқлари, демократия ва ижтимоий адолат тамойиллари ўзининг кенг ифодасини топган. У инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Ўртбошимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш ҳамда биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолавериши яна бир бор таъкидланди.

Республика Конституциявий судида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтириш кафолати» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуманда шу ҳақда гап борди. Конституция Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Конституциявий суд раиси М.Абдусаломов бошқарган анжуманда таъкидланганидек, Конституциянинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ва фуқаролик жамиятини ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий шакллантиришдаги ўрни беқиёсдир. Унинг ижобий таъсири мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг демократлашувида, иқтисодий соҳанинг эркинлаштирилишида, жамиятнинг маънавий-янгилашишида, халқнинг моддий фаровонлиги барқарор

ошиб бораётганида яққол намойён бўлмоқда.

Конституциямизда белгиланган қонунийлик, қонун олдида тенглик тамойиллари, миллий давлатчиликни барпо этишнинг демократик асосларини белгилувчи меъёрлар, ижтимоий, сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликларни, фуқароларнинг жамият олдидаги, давлатнинг фуқаролар олдидаги мажбуриятларини ўз ичига олган нормалар жамиятда юксак маънавий қадриятларни қарор топтиришда муҳим омили бўлаётир.

Тадбирда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши» ташкил этиш тўғрисидаги 2001 йил 4 январда қабул қилган Фармойиши мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётида юксак аҳамиятга эга бўлгани таъкидланди.


Мақсуд Фармойиш Конституциясини ўрганишда изчил ва самарали механизм барпо этилишининг асоси бўлди. Фармойишга мувофиқ 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курсларини ўқитишга киришилди. Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимиз тарихида ilk бор Конституцияни ёш авлодга болалар

боғчасидан бошлаб ўргатиш йўлга қўйилди. Айни пайтда Бош қонунимизни тарғиб этишга қаратилган махсус дастурлар, қўлланмалар ишлаб чиқилди.

Конституцияни ўрганиш ва тарғиб этиш аҳолининг турли ижтимоий қатламлари савияси, манфаатлари ҳамда талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилаётгани яқини самара бермоқда.

Анжуманда Бош вазир ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазир Р.Қосимов, халқ таълими вазир Т.Жўраев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори А.Саидов, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси И.Латинов ва бошқаларнинг Бош қонунимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунини ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини шакллантириш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни тарғиб ва ташвиқ қилиш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, унинг моҳиятини кенг оммага етказишни янгилаш, самарали ва таъсирчан усуллари қўллаш билан боғлиқ маърузалари тингланди.

Бехзод НОРБОВ,
ЎЗА мухбири



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Исроил яқин кунларда Иордан дарёсининг Фарбий қирғоғида жойлашган Иерихон шаҳрини Фаластин ҳукумати назоратига беришга тайёр эканини билдирди. Фаластин раҳбари ва Исроил мудофаа вазири Шауль Мофаз билан чегара ҳудудида жойлашган «Эрец» назорат пунктида бўлиб ўтаётган музокараларда ана шундай келишувга эришилди.

● Сурия Ливаннинг жануби ва шимолдан ўз қўшинларини олиб чиқа бошлади. Бу ҳақда Сурия мудофаа вазири Абдул Раҳим Мурод маълум қилди. Суриялик ҳарбийлар кўшни давлатга 1975 йилдан 1990 йилгача давом этган фуқаролар уруши даврида тинчликпарвар кучлар сифатида киритилган эди.

● Грузия парламенти мамлакатдаги Россия ҳарбий базасини олиб чиқиб кетиши масаласини муҳокамага қўймоқчи. Қарор лойиҳасига кўра, расмий Москва май ойининг ўрталарига қадар ўз ҳарбийларини олиб чиқиб кетиш муддатини белгиланмас, мамлакат ҳудудидаги ҳарбий база ноқонуний деб топилади.

● Покистондаги биринчи рақамли террорчи қўлга олинди. Мамлакат хавфсизлик хизмати хабарларига кўра, қўлга олинган террорчи Рамазон Менгал «Лашкар э-Жанги» куролли гуруҳи ташкилотчиси бўлиб, юзлаб одамларнинг ёстигини қуритган ва терактлар содир этиб келган. Бундан аввалроқ Рамазон Менгални қўлга олишда ахборот етказган шахс учун Покистон ҳукумати 10 миллион рупий ваъда берган эди.

● Собик Югославиядаги ҳарбий жиноятлари бўйича Гаага трибунали томонидан айбловлар эълон қилинган, Косово бош вазири Рамуш Харадинай истеъфога чиқисини маълум қилди.

● Бағдод марказида кучли портлаш содир бўлди ва бир киши дунёдан кўз юмди. Полиция вакилларининг маълумот беришича, террорчилик ҳаракати Ироқ полиция ходимлари меҳмонхонаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги олдида амалга оширилган.

● Туркияда яроксиз спиртли маҳсулотни истеъмол қилиш оқибатида оммавий захарланиш вужудга келган. Европа Пресс маълумотида кўра, Истамбул шаҳридаги рестороанларнинг бирида тарқатилган қўлбола арокдан 16 нафар миждо ҳалок бўлган. 14 нафари эса зудлик билан шифохонага ётқизилган. Улардан яна 16 тасининг аҳволи оғир эканлиги айтилмоқда.

— Юртбошимизнинг дастуриламал маърузасида, аввало, ўтган салкам ўн тўрт йил давомида юртимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар чуқур таҳлил этилди, — дейди А.Саидов. — Маърузада ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш ва янгилаш жараёнларида эришилган ютуқлар умумлаштирилди. Мавжуд камчиликлар ҳолис, танқидий баҳоланди. Албатта, мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этишнинг устувор йўллари кўрсатиб берилди.

Биз рўёбга чиқаришга киришган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни мустақкам ҳуқуқий асосда ва конституциявий қонун устуворлиги таъминлиги мувофиқ кечмоғи даркор. Бу борада ҳозирги кунга қадар бир қанча муҳим қонунлар қабул қилинганлиги диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жамоат бирлашмалари, қасба уюшмалари, сиёсий партиялар, сиёсий партияларни молиялаштириш, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат фонллари, вилдон эркинлиги ва диний ташкилотлар, сайловлар тўғрисидаги қонунлар, Фуқаролик ва Солиқ кодекслари каби қонун ҳужжатлари юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустақкам ҳуқуқий асослари яратилганидан яққол далолатдир. Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг муҳим институти — нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида қонунчилик тизими яратилди.

— Келгусида фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мавжуд ҳуқуқий асосларини мустақкамлаш ва янада кенгайтириш йўлида қонун ижодкорлари зиммасида яна қандай муҳим вазифалар турибди?

— Давлатимиз раҳбари иккинчи чақирғи Олий Мажлисининг тўққинчи сессиясида «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунга зарур ўзгаришлар киритиш, шунингдек, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Хайрия фаолияти тўғрисида» қонунлар қабул қилиш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Табиийки, ана шу янги қонун ҳужжатлари фуқаролик институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосларини янада мукамаллаштиришда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлади.

Авваломбор, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш» давр тақозосидир. Ушбу қонун қабул қилинганидан буён ўтган давр ичида ноҳуқумат ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик жадал суръатлар билан ривожланди. Бу орада «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун мазмунан эскириб қолди. Шу боис, жамоат бирлашмаларини нодавлат нотижорат ташкилотларининг муайян ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида ҳуқуқий мақомини белгилаб қўйиш фурсати етди.

«Хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши ҳам долзарб аҳамият касб этади. Негаки, айни чоғда юртимизда турли хил ижти-

моий аҳамиятга молик лойиҳаларга ҳомийлик қилаётган талай хайрия ташкилотлари мавжудлигига қарамай, уларнинг хайрия билан боғлиқ фаолияти қонунчилик асосида тартибга солинмаган.

Шу сабабли бу борадаги янги қонунларни қабул қилишга жиддий эътибор берилмоқда. Айни пайтда Президентимиз таклиф этган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва қабул қилиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бундай қонун давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

ҚОНУН ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Истиқбол йилларида мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан, жамиятда демократия тамойилларини шакллантириш борасида юксалиш йўлига кўтарилди. Ҳаётимизда, жамиятимизда янги давр, янги босқич бошланди. Президент Исроил Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ана шу янги босқичда нималарга алоҳида эътибор бериш, айниқса, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилиш дастурини амалда тўла татбиқ этиш ва айни шундай ёндашув билан фуқароларимизга ўз ҳаёти ва бугун жамият ҳаётини бошқариш ва ташкил этишда фаол иштироки учун имконият яратишда қайси масалаларни биринчи галда ҳал қилиш зарурлигини аниқ ва равшан белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал САИДОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти ва хусусиятлари ҳақида ҳам қисқача сўзлаб берсангиз.

— Истиқбол туфайли фуқароларимизнинг дунёқароши ва тафаккури, ҳуқуқий онги ва маданияти тубдан ўзгарди. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошди. Жамиятда юз бераётган ўзгаришларга бефарқлик муносабатидан воз кечилмоқда, ислохотлардан манфаатдорлик ҳисси қарор топмоқда. Демократик тамойиллар фуқароларимиз ҳаёт тарзига тобора чуқур сингиб бормоқда. Бошқача айтганда, фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий муҳити, кайфияти шаклланмоқда.

Ватандошларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши эса, ўз навбатида, жамиятимизни янада демократлаштириш, эркинлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтлари сирасига нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, маҳалла, оила каби турли субъектлар киришини назарда тутган ҳолда, шунини таъкидлаш ўринлики, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири — нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришдир.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 5 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Янги босқичда ана шундай ташкилотлар сафини кенгайтириш баробарида, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини ескини кучайтириш кўзда тутилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг маърузасида ўқтирилганидек, «Одамлар онгида демократик қадриятларни мустақкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгариш-

ларнинг қўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир».

Жамоатчилик назорати — фуқаролик жамиятининг ажралмас белгиси. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда, айниқса, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи навбатда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш ҳамда қонунлар ижроси бўйича давлат ҳокимият органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ масалалар алоҳида устувор аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан яна бири оммавий ахборот воситаларидир. Сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиклигини таъминлайдиган демократик тамойилларни ҳаётга кенг жорий қилиш жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги муҳим устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз раҳбари белгилаб берганидек, бу борадаги асосий вазифа — юртимизда ислохотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлиш матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва

эркинлигини таъминлашдан иборат.

Эркинликсиз демократия бўлмайди — бу олдий ҳақиқат. Барча оммавий ахборот воситаларига мулки, шакли, тиражи, қамрови ҳамда мавзу йўналишидан қатъи назар, уларнинг мамлакатимиз ахборот майдонида ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш, мазкур жабҳадаги қонунчилик асосларини янада мустақкамлаш лозим.

Президентимизнинг сўз ва матбуот эркинлигининг ўзига хос жиҳатлари — шарқона одоб, шарм-ҳаё, фарosat, гурур, бурч ва масъулият ҳақидаги, халқ, Ватан, мустақиллик манфаатлари тушунчалари мазмун-моҳияти хусусидаги фикрлари ҳам гоёт аҳамиятлидир. Зеро, биз барча жабҳалар қатори сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш борасида ҳам умумэтироф этган халқро мезонлар билан ўзимизнинг кўпмингйиллик маданий-маънавий қадриятларимиз, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи уйғунлигига таянамиз.

Мухтасар айтганда, юқоридаги вазифалар ва умуман, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида икки палатали парламентнинг фаолият бошлагани барчамизнинг олдимизга янги талаблар қўйди, зиммамизга катта масъулият юкледи.

Бу масъулиятни муваффақият билан адо этиш учун юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, Ватан равнақи ва обрў-эътиборини юксалтириш йўлида наинки самарали ишлашимиз, айни чоғда, Юртбошимиз ўқтирганидек, «шунини асло унутмаслигимиз керак — биз ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва бўлмаймиз ҳам».

ЎзА мухбири
Фулом МИРЗО
суҳбатлашди.



Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этмоқда

ҲАММАНИНГ ҲИССАСИ БОР

Яшариш ва янгилиниш фасли баҳорнинг ўзига хос юмушлари, ҳадемай ўлкамизга кириб келадиган Наврўз оламнинг ўзгача таровати ҳамшаҳарларимизнинг ҳам дилига ажиб туйғу солиб, ободончиликка, эзуликка, меҳр-оқибатга ундамоқда.

Ҳа, ободлик кўнгиладан бошланади. Ана шу кўнгилда, қалбада унган ободлик яхши ишларга, юртни яшнатишга, яшартиришга, гулу гулзорга, чаманзорга айлантиришга ундайди. Пойтахтимиз маҳаллаларида, кўчаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида ободончилик, покизалик, орасталаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу борада корхона, ташкилот ҳамда муассасалар ахли ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.

Эзулик байрами — Наврўз тантанасини пойтахтимиздаги «Норуда» акциядорлик жамияти жамоаси ҳам муносиб нишонлаш ниятида. Корхона ишчи-хизматчилари асосий вазифалари — бунёдкорлик ишлари учун курилиш ашёлари етказиб бериш баробарида, аини кунларда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам катта эътибор қаратишмоқда.

— Озодалик ва покизаликка нима етсин, — дейди корхона раҳбари Рауф Шарипов. — Шунинг учун ҳамisha жамоамиз ахли ободликка, орасталикка эътибор қаратишади. Негаки корхона

уларнинг иккинчи уйлари, атрофидаги гўзаллик, покизалик кайфиятларини кўтариб, баракали меҳнатга ундаши, шубҳасиз. Корхонамизда баҳор юмушларидан ҳеч ким четда қолмайди. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, экилган ҳар бир ниҳолимиз эътиборда, парваришга жиддий ёндошилади. Ахир бу ўзимиз учун яратган гўзаллик, мусофоллик соғлигимиз гарови-ку.

Хозирда корхона ён-атрофи тозаланди, байрам руҳида безалишига эътибор қаратилди. Мевали ва манзарали дарахт кўчалари экилди, турфа гуллар ўтказилмоқда. Жорий йилда 5000 туп дарахт ҳамда 100 мингта гул кўчалари ўтказиш режаланган бўлиб, бунга ишчи-хизматчилар ҳашарлар уюштириб, ҳисса қўшишмоқда.

Шунингдек, жамоа ахли учун байрамона дастурхон ёзиш, меҳнат фажрийларини йўқлаш, ҳам таъминланган оилаларга саховат кўрсатиш ҳам кўзда тутилган. Зеро, бундай саховат ва меҳр-оқибат жамоа ахли ишлари ривожига барака бўлиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЕСОВА



Халқимизнинг энг қадимий ва умрбоқий Наврўзи олам байрами яқинлашган сария юрти-мизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари авж олмоқда. Пойтахтимизни анвойи гул ва дарахтларга бурқаб, уни боғу бўстонга айлантириш мақсадларида жойларда ўтаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳам қизғин давом этмоқда.

Ўз хонадонимизни ўзимиз обод қилайлик!

АНВОЙИ ГУЛ ВА ДАРАХТЛАРГА БУРКАНАДИ

Юнусобод туманида ҳам ойлик давомида режалаштирилган юмушлар амалга оширилмоқда. Туман ободонлаштириш бошқармасининг 200 нафар сергайрат ишчилари ҳар бир кўча, хиёбон, майдонларнинг ўзига хос бўлган томонлари — серофтоб ёки салқин, ҳажми, жойлашувига қараб муайян турдаги манзарали, мевали дарахтлар, анвойи гулу чечакларни ўтказмоқдалар.

Ободонлаштириш бошқармасининг 7 та комплекс бригадаларининг гайрат-шижоатли ишчилари ҳар кун 1070 минг квадрат метр жойларни супуриб орасталайдилар, шу кунгача қуриган дарахтлар, синган шох-шаббалардан 50 тоннага яқини, кўчаларни орасталаш ҳамда ариқ-зовурларни тозалаш ҳисобига 450 тонна чиқинди, ахлатлар 10 та транспорт воситалари ёрдамида олиб чиқиб кетилди. Шунингдек, икки ярим мингта дарахтларга шакл берилди.

Кўклам фасли аини дарахтлар экиш мавсуми бўлгани боис ҳам ишчилар



туманнинг 20 та марказий — Амир Темури, Кичик халқа йўли, Навойи, Сулаймонов, Абдулла Қодирий, Қаюмов, Хуршид, Абдуллаев кўчаларига 46 минг туп манзарали, мевали дарахт кўчатларини ўтказишди. Шунингдек, жорий йилда ҳар йилдан кўпроқ — 100 минг дона гуллар ўтказилади. Бундан ташқари, кундалик ишлар қаторида Наврўз байрами шодиёналарига туманни безаш мақсадида байроқ, плакат, паннолар тайёрлаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, туман ободончилари бир ёқадан бош чиқариб, уюшқоқлик билан пойтахтимизни бундан-да чиройли, озода шаҳарга айлантириш орқали табиатимизни янада мусаффо қилишга муносиб ҳиссаларини қўшишга бел бағланлар. Энг муҳими, маҳаллаларда ҳам ободонлаштириш, покизалаш, дарахтларга шакл бериш, хонадонлар атрофини орасталаш ишлари бошланиб кетди.

Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА

Мулоҳаза, мулоҳаза

КЎНГИЛАДАГИ ГАПЛАР

КўЧА ХУСНИГА ТУШГАН ДОФ

Кўчаларимиз обод ва гўзал. Уларнинг кенг, раван ва қаф-дек текислиги ҳақидаги мақтовини ҳўп келтирганмиз. Лекин шундай таърифига тил оғзи кўчалар хуснига тушиб турган баъзи доғларни кўрганнгизда, табиийки дилингиз ранжиб, хижолат тортасиз.

Катта йўлдан машинада ўтиб бораётимиз. Кўчанинг икки чеккаси бўйлаб кетган бетон ариқлар ичида киш бўйи йиғилиб қолган чиқиндиларни тозалашга ободонлаштирувчиларга кўзимиз тушди. Барака топишсин, ахир ариқлар ҳам батариб бўлиб кўча хуснига мос бўлиши керакда, дедик. Эртасига яна шу кўчадан ўтдик. Афсуски ариқдан чиқариб ташланган чиқиндилар олиб кетилмаган эди. Улар катта кўчанинг икки чеккасини ҳўнук кўрсатиб ётарди.

Орадан ҳафта ўтса ҳамки, кўчадаги ўша ҳол ўзгармади. Ун-гача чиқиндиларнинг ярми яна ўз жойини топди. Албатта бу бир мисол. Лекин кўча кезган одам эса бундай салбий ҳолатларга кўплаб дуч келиши мумкин. Ҳатто шундай бўладики, ариқ тозаланади, қанча одам овора бўлиб ундаги чиқиндиларни ташқарига чиқариб ташлайди. Бирок кўп ҳолларда бу чиқиндилар олиб кетилмай кўчани ҳафталаб ифлос қилиб ётади. Кейин бора-бора улар яна ўша ариқларни қайта тўлдирди. Наҳотки, яхши ният билан баҳариланган иш поёнига етмай ярим йўлда қолиб кетса? Бу ҳақда мутасаддилар бир ўйлаб кўришса яхши бўларди.

Камол ОТАХЎЖАЕВ

МЕН СИЗДАН ДАВО ТОПДИМ

Шамоллаш касаллиги туфайли уч-тўрт кун ётиб қолдик. Уй муолажаси кор қилмади. Шифокорга мурожаат қилдик. У хона-сида сигарета тутатиб ўтирган экан, бизни истар-истамай қабул қилди. Кўрган-билгани «Тилингизни чиқаринг» бўлди. Кейин «Ўтиб кетади» деб уч-тўрт хил дори етмай берди. Очиғи, шифокорнинг қабулидан, берган маслаҳатидан қониқмадик. Бошқа шифокорга учрашишга мажбур бўлдик.

Буниси олдингисидан бутунлай фарқ қилар эди. Отасига раҳмат. Очиғи унинг ширин сўзи, одоби, маданияти, хушмуомаласининг ўзиданок руҳимиз енгил тортиди. Шикоятимизни эътибор билан эшитди. Кейин қорин бўшлиғи, юрак, орқа курак томонларни бирма-бир назоратдан ўтказди. Аниқ хулосага келди шекилли «Яхши» деб қўйди.

— Кўрқадиган жойи йўқ. Бироз шамоллаш бор ҳолос. Керакли дориларни ёзиб бераман. Ўтиб кетади, уч кундан кейин ҳузу-римга келасиз. Яна бир бор текшириб кўрамыз, — деди.

Унга биринчи учрашган шифокор ёзиб берган дорилар рўйхатини кўрсатдик.

— Мана бу иккитасининг зарурияти йўқ. Бунинг устига бу дорилар жуда қиммат, — деб ўчириб ташлади.

Шифокорнинг маслаҳати, дори-дармонлари билан икки-уч кун ётиб даволандик. Тўртинчи кун оёққа туриб кетдик.

ОЛИМЖОН ХАЙРУЛЛАЕВ

Бу муҳлисимиз йўллаган ушбу мактубни келтиришимиздан мақсад ҳаётда учрайдиган баъзи бир ўз қасамини унутган, беморлар билан кўпול муомалада бўладиган шифокорларга ибрат бўлсин дедик. Лекин хат муаллифи шифокорларнинг номи-ни, шифохона манзилини аниқ кўрсатмаганидан афсусландик.

УСТИ ЯЛТИРОК, ИЧИ ҚАЛТИРОК

Шаҳримизда кўп қаватли уйлар кўп. Уларда минглаб оилалар истиқомат қилишади. Йўлак хатлаб хонадонларга кирсангиз у ердаги оройишу, орасталик уй эгаларининг сарангом-саришталигидан дарак бериб туради. Ҳатто баъзи хонадонлардаги безаклар, девордаги нақшлар гўё сизга мўъжазгина меҳмонхона ёки бўлмаса чиройли бир кошонани эсла-тади.

Энди ўша мухташам уйнинг йўлагига бир назар ташлаб кўринг-а. Кечирасиз бу ерда бутунлай бошқа манзара кўз олдингизда намён бўлади. Йўлак деворларида ҳар хил ёзувлар, чиқиқлар. Ярим-ёрти ойналар синган, эшиклар сугуриб олинган ёки бўлмаса қаровсиз ҳолга келган.

Уйланиб қоласиз. Бир йўлакда беш қаватли уйларда ўн-та хонадон, тўққиз қаватли уйларда эса 18 та, балки ундан ҳам кўп оилалар яшашиди. Наҳотки улар ўз уйлари шохона безашга маблаг ҳам, вақт ҳам топишадию, шунча оила учун хизмат қиладиган торгина йўлакни тартибга келтиришга олмайдилар? Ахир маъкур хонадонларга қадам ранжида қиладиган узок-яқинлар пойқадами шу йўлак орқали ўтадику. Ҳеч бўлмаса шуларни ўйлаб, ўзгалардан уялиб, мулоҳаза қилиб кўпчилик кўшнлар биргалашиб йўлакни тартибли қилиб қўйишса бўлмасмикан. Аксинча, бунинг ўрнига шу арзимас ишни бажариб беришни ўзгалардан талаб қилинади. Ширкатим ёки бошқа ундан юқорироқ идорам, қанча вақт, беҳуда асабимизни кетказиб оворагарчиликка йўл қўямиз. Ахир қачонгача уй-жойимиз, йўлакларимиз орасталиги учун ўзимиз масъул эканлигимизни унутиб юрамыз?

Аҳмад ИКРОМОВ

ДОРИ ҚИДИРИБ

Простомол дориси телевизорда тўхтовсиз реклама қилинаверганиданми ёки шу дорига эҳтиёж кўпайганиданми ишқилиб простомолга бўлган талаб ортиб кетди. Қарангки касаллик туфайли шифокорга учрасан у ҳам бизга шу дорини тавсия қилди. Бир неча дорихоналарнинг эшигини қўқшимизга тўғри келди. Лекин ҳамма жойда бирдек «Хозир бу доридан бизда йўқ» деган гапни эшитдик.

Қидиришда давом этдик. Номи чиққан Жўрабек, Ўрда, Чорсу дорихоналарида бўлдик. «Ҳабар олиб туринг, келиб қолади» дейишди. Ноумид шайтон, зора топилиб қолса деб ҳамон шу дорини қидириб юрибмиз. Билмадик бу сарсон-саргардончилигимиз қачонгача давом этаркин? Шу ўринда қолиш савол туғилади, ҳўш шаҳар дорихоналарида простомолни топди анқонинг уруғи бўлса, нега уни реклама қилишаркин?

Ҳамид КАРИМОВ

Хотиним билан талаба бўлиш истагида юрган кезларимда танишганман. Аммо омадим чопмади. У ўқишга кирди, мен эса...

Фазилат отасига менинг турмуш шароитига ҳақида анча-мунча гапирган экан. "Қўл учда кун қурадиган хонадон фарзанди эканлигини кишининг раҳмини келтирди, — деди у кунларнинг бирида. — Яхши бизнинг "РАФ"ни юргиз: ўзингга, ўзгага ҳам нафисингга, ўзгага ҳам нафисингга. Гарчи қайнотамнинг гаплари юрагимга найзадай қадалган бўлса-да, парво қилмасликка ҳаракат қилдим. Қайнотани ота ўрнида ота дейдилар. Шунга қовоқ-тумшук қилиш шартми, деб ўйладим.

Мактуб йўлга торлади

ЛАФЗСИЗЛИК МЕНИ ЭЗАДИ...

"Хурматли "Оқшом" тахририяти ходимлари. Очиги, мактуб йўллаб сизларнинг эътиборларингизни қаратиш мен учун осон кечмади. Чунки, шу пайтга қадар ўз дардимни бировга айтиб, ҳасрат қилган одам эмасман.

Гўёки мен молпараст эканман. Отасини беҳурмат қилган инсон билан энди яшамас эмиш...

Хозир хотиним ёш боласи билан қайнотаникида. Аразлаб юрибди. Фазилатга ҳақиқий вазиятни тушунтириш, адолат қайси томонда эканлигини уқтириш учун унинг олдига икки-уч марта борадим. Натиха чиқмади. Боз устига муносабатларимиздан қонуний йўл билан ҳал қилишни истамаялман. Эҳтимол, бу менинг унга бўлган муҳаббатим, андишага содиқ қолишим сабабандир.

Сизлардан жўяли маслаҳат, таклифлар кутиб қолувчи Даврон боис бинойидай ишларди. Қанча одамлар Тошкент-Фишткүприк йўналишида ўз манзилларига етиб олдилар.

Табиийки, буларнинг ҳаммасидан қайнотамнинг хабари йўқ деб бўлмасди. Унинг айтишича, энди машинани катта қайноғамга топширишим керак экан. Машина унинг номида. Ҳар тугул эгаси юргизгани маъқул... Ҳазилдан қайнаб кетдим. Ахир микроавтобусни оёққа турғизиш учун қанча меҳнат сарф қилгандим, кимдирни ака, яна кимдир ука деб қарз кўтарганим. Одамга алам қиларкан. Қайнотам мени тинчлатишга бўлди шекилли: "Қайноғамга айтаман. Сарф қилган пулларингнинг ҳаммасини қайтариб берари, — деди. Кейин билсам буларнинг барчаси мени овутириш учун айтилган чўлчак экан, холос. Орадан қанча ўтса ҳамки қайноғамдан дарак йўқ. "РАФ" эса ҳамон унинг ихтиёрида турибди.

— Мен куёвимга ҳеч қандай таъзим қилмадим. Ахир ҳақиқатда, мен унинг қайнотамини беҳурмат қилган инсон билан энди яшамас эмиш...

Хозир хотиним ёш боласи билан қайнотаникида. Аразлаб юрибди. Фазилатга ҳақиқий вазиятни тушунтириш, адолат қайси томонда эканлигини уқтириш учун унинг олдига икки-уч марта борадим. Натиха чиқмади. Боз устига муносабатларимиздан қонуний йўл билан ҳал қилишни истамаялман. Эҳтимол, бу менинг унга бўлган муҳаббатим, андишага содиқ қолишим сабабандир.

Сизлардан жўяли маслаҳат, таклифлар кутиб қолувчи Даврон боис бинойидай ишларди. Қанча одамлар Тошкент-Фишткүприк йўналишида ўз манзилларига етиб олдилар.

Табиийки, буларнинг ҳаммасидан қайнотамнинг хабари йўқ деб бўлмасди. Унинг айтишича, энди машинани катта қайноғамга топширишим керак экан. Машина унинг номида. Ҳар тугул эгаси юргизгани маъқул... Ҳазилдан қайнаб кетдим. Ахир микроавтобусни оёққа турғизиш учун қанча меҳнат сарф қилгандим, кимдирни ака, яна кимдир ука деб қарз кўтарганим. Одамга алам қиларкан. Қайнотам мени тинчлатишга бўлди шекилли: "Қайноғамга айтаман. Сарф қилган пулларингнинг ҳаммасини қайтариб берари, — деди. Кейин билсам буларнинг барчаси мени овутириш учун айтилган чўлчак экан, холос. Орадан қанча ўтса ҳамки қайноғамдан дарак йўқ. "РАФ" эса ҳамон унинг ихтиёрида турибди.

— Мен куёвимга ҳеч қандай таъзим қилмадим. Ахир ҳақиқатда, мен унинг қайнотамини беҳурмат қилган инсон билан энди яшамас эмиш...

Хозир хотиним ёш боласи билан қайнотаникида. Аразлаб юрибди. Фазилатга ҳақиқий вазиятни тушунтириш, адолат қайси томонда эканлигини уқтириш учун унинг олдига икки-уч марта борадим. Натиха чиқмади. Боз устига муносабатларимиздан қонуний йўл билан ҳал қилишни истамаялман. Эҳтимол, бу менинг унга бўлган муҳаббатим, андишага содиқ қолишим сабабандир.

кор этаётгани йўқ. Аммо, Давронжон уни оёққа турғизиш учун ҳаражат қилган-ку?!

Кайнота куёвига ранги учиб қаради. Унинг нигоҳларида: "Шу гапга ҳам ота гўри қозихонами?" деган пичинг, кесатиқ зухурланган эди. Кейин унинг нигоҳи бизга қалалди:

— Нима қилпти? Тўрт-беш сўм пулини биз учун кеткиса-кеткизибди-да. Ахир гудай фарзандим шу билан бирга-ку?!...

Мана сизга муайян ҳаётий тажрибага эга, оқ-қорани таниган инсоннинг гаплари... Изоҳ беришга шошилмай-миз. Яхшиси ҳукми хулосани ўзингизга ҳавола қилганимиз маъқулроқ.

Давронжон билан яхшироқ танишишга, унинг ички дунёсига кечаётган эврилишларни кузатишга ҳаракат қилдик. Маълум бўлишича, у олдин оилаларнинг бирида туғилган. Ҳали гўдаклигидек отасидан ажралган. Ўқсик қалби йиллар давомида қилбоғоқ меҳрига ташна ўсган. Шу боис қайнотасининг озгина мурувватидан кўнгил тоғдай кўтарилган. Аммо бу "бахт" шуъласи сароб ёғдуларидан таралаётган учкун эканлигини у қаердан ҳам билсин.

— Ҳеч бўлмаса ҳаражатларимни чиқариб олганимда ҳам майли эди, — дейди у афсусландоқ билан.

Унга бир қалтис савол бердик: — Сарф-ҳаражатларингиз, қилган меҳнатларингизга ачинайсизми?!

— Йўқ! — унинг кўзларида фавқулодда ўзгариш сезилди. — Қайнотамнинг лафзсизлиги, имонсизлиги қийнапти мени. Агар у машинани худо йўлига тузатиб бер, деганида, қилмасимдим!

Унинг кўзларига қарашга ўзимизда куч топа олмадик. Дарҳақиқат, лафз, инсоннинг лафзи ҳалол... Кейинги пайтларда ана шу инсоний туйғу муқаррар ҳалокат тетра-сидла тургандай туюлади кишига. Вазъаларни қоп-қоп қилиб бераримиз. Удаллаш зарур бўлганда эса виждонимизга қарши сўраб-суриштирдик. Маҳалла оқсоқолининг ёрдамида мактуб муаллифининг қайнотаси ҳам суҳбатда тортидди.

— Мен куёвимга ҳеч қандай таъзим қилмадим. Ахир ҳақиқатда, мен унинг қайнотамини беҳурмат қилган инсон билан энди яшамас эмиш...

Хозир хотиним ёш боласи билан қайнотаникида. Аразлаб юрибди. Фазилатга ҳақиқий вазиятни тушунтириш, адолат қайси томонда эканлигини уқтириш учун унинг олдига икки-уч марта борадим. Натиха чиқмади. Боз устига муносабатларимиздан қонуний йўл билан ҳал қилишни истамаялман. Эҳтимол, бу менинг унга бўлган муҳаббатим, андишага содиқ қолишим сабабандир.


Сизлардан жўяли маслаҳат, таклифлар кутиб қолувчи Даврон боис бинойидай ишларди. Қанча одамлар Тошкент-Фишткүприк йўналишида ўз манзилларига етиб олдилар.

Табиийки, буларнинг ҳаммасидан қайнотамнинг хабари йўқ деб бўлмасди. Унинг айтишича, энди машинани катта қайноғамга топширишим керак экан. Машина унинг номида. Ҳар тугул эгаси юргизгани маъқул... Ҳазилдан қайнаб кетдим. Ахир микроавтобусни оёққа турғизиш учун қанча меҳнат сарф қилгандим, кимдирни ака, яна кимдир ука деб қарз кўтарганим. Одамга алам қиларкан. Қайнотам мени тинчлатишга бўлди шекилли: "Қайноғамга айтаман. Сарф қилган пулларингнинг ҳаммасини қайтариб берари, — деди. Кейин билсам буларнинг барчаси мени овутириш учун айтилган чўлчак экан, холос. Орадан қанча ўтса ҳамки қайноғамдан дарак йўқ. "РАФ" эса ҳамон унинг ихтиёрида турибди.

— Мен куёвимга ҳеч қандай таъзим қилмадим. Ахир ҳақиқатда, мен унинг қайнотамини беҳурмат қилган инсон билан энди яшамас эмиш...

Хозир хотиним ёш боласи билан қайнотаникида. Аразлаб юрибди. Фазилатга ҳақиқий вазиятни тушунтириш, адолат қайси томонда эканлигини уқтириш учун унинг олдига икки-уч марта борадим. Натиха чиқмади. Боз устига муносабатларимиздан қонуний йўл билан ҳал қилишни истамаялман. Эҳтимол, бу менинг унга бўлган муҳаббатим, андишага содиқ қолишим сабабандир.

Сизлардан жўяли маслаҳат, таклифлар кутиб қолувчи Даврон боис бинойидай ишларди. Қанча одамлар Тошкент-Фишткүприк йўналишида ўз манзилларига етиб олдилар.



Дунёларга алишмайман сени қизалогим...

Тошкентда қосибчилик ва хунармаиңчилик қадимдан ривожланиб келган бўлсада, йирик қорхоналар йўқ эди. 1866 йилда қосибчилик И.Первушин шаҳарда биринчи бўлиб вино эзадчи очди. Шундан кейин бирин-кетин кўн, ёғ, гуруч, ништ заводалари, гугурт, макарон, тамаки фабрикалари ишга тушди.

1901 йили от торталдан биринчи трамвай (кўнка) вокзал билан Эски шаҳар ўртасида қатнай бошлади. Икки йилдан кейин вагонлар сони 30 га ва отлар 170 га етди.

1907 йил баҳорда Тошкент кўчаларида биринчи автобус пайдо бўлди. Орадан 2 йил ўтгач, Тошкент билан Тўйтепа, Пискент ўрталарида

Хайрликларни қайталаганда

ПОЙТАХТИМИЗ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

Шуниси қувончлики, тахририятимизга келаётган мактублар орасида шахримиз тарихидан дарак берувчи қизиқарли маълумотлар ҳам учрайди. Очигини айтганда кўпчилигимиз Тошкентнинг ўтмиши ҳақида ҳикоя қилувчи аниқликларни биларемиз. Ана шуни ҳисобга олиб бугун эътиборингизга...

1871 йили Тошкентда ўзбек тилида чиққан биринчи "календарь" китобининг муаллифи таржимон Иброҳимовдир. Матбаанинг ривожланиши нағижасида кутубхона очилиши учун замин вужудга келади. 1872 йил 14 июнда ҳозирги Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси очилди.

1871 йили Тошкентда ўзбек тилида чиққан биринчи "календарь" китобининг муаллифи таржимон Иброҳимовдир. Матбаанинг ривожланиши нағижасида кутубхона очилиши учун замин вужудга келади. 1872 йил 14 июнда ҳозирги Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси очилди.

1871 йили Тошкентда ўзбек тилида чиққан биринчи "календарь" китобининг муаллифи таржимон Иброҳимовдир. Матбаанинг ривожланиши нағижасида кутубхона очилиши учун замин вужудга келади. 1872 йил 14 июнда ҳозирги Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси очилди.

Хатлар — ҳаёт ойнаси

Инсон ҳаёти давомида турли хил воқеа-ҳодисаларни бошидан кечиради, қутилмаган тасодифларга дуч келади. Лунда қилиб айтганда ҳаёт бамисоли чархпалакка ўхшайди. Чунки инсон бошидан кўрган-кечирган воқеалар атрофида айланаверади. Бундан илҳом олади. Ушбу фикрларни қозғога туширишдан мурод, сиз азизлардан келаётган мактубларнинг мазмун-моҳияти, шакли-шамойили турлича. Аммо бизни қувонтирадиган жиҳат, газет-хонларнинг қимматли вақтларини аямай тахририятимизга мактуб йўллаётганликлари. Демак, меҳнатларимиз бесамар кетмапти. «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси материаллари сиз азизлар-

ни асло бефарқ қолдирмаяпти. Шу боис ҳам ҳар сафар саҳифа материалларини тайёрлаётганимизда имкон борича сиз азиз газетхонларнинг турли хил маълумотларига битилган мактубларингиздан фойдаланамиз, ушбу хатларни газета саҳифаларида чоп эта-миз. Бу ҳамкорлик очигини айтиш жоиз, самара бермоқда. Ишончимизки, бундай ҳамкорлик давом этади. Сизлардан илтимосимиз эса бизга мўдوم мактуб йўлланг, кўнгириқ қилинг. Манзил-имиз — Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй — «Тошкент оқшоми» газетаси тахририяти. 133-08-74 телефонига сиз қоқиш-

ни асло бефарқ қолдирмаяпти. Шу боис ҳам ҳар сафар саҳифа материалларини тайёрлаётганимизда имкон борича сиз азиз газетхонларнинг турли хил маълумотларига битилган мактубларингиздан фойдаланамиз, ушбу хатларни газета саҳифаларида чоп эта-миз. Бу ҳамкорлик очигини айтиш жоиз, самара бермоқда. Ишончимизки, бундай ҳамкорлик давом этади. Сизлардан илтимосимиз эса бизга мўдوم мактуб йўлланг, кўнгириқ қилинг. Манзил-имиз — Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй — «Тошкент оқшоми» газетаси тахририяти. 133-08-74 телефонига сиз қоқиш-

Тўқнақчилик ҳикоялар

ҚОВУН ТУШИРДИНГКУ, ОҒАЙНИ

Матназар Тошкентда яшашнинг ҳади-сини олган. Асли Хоразмнинг чекка бир туманидан бўлган Матназар бир неча йиллардан бери Тошкентга гўмма сотиб тирикчилик қилади.

Кўнларнинг бирида пойтахтга меҳмон бўлиб келган Матназарнинг мактабдош дўсти Комилжон соддалик қилиб «қовун туширмаганда» ҳамма иши силлиқ кетаётгудди.

Хуллас, Комилжон Тошкентга дўстини йўқлаб келди. Қуюқ меҳмондорчиликдан сўнг икки ўртоқ бозорга чиқишди. Матназар овози борича бақириб харидорларни чақира бошлади.

— Иссиқ перашка, жойи, чойи билан... Горячий перашка... Комилжон қойил қолди. Дўсти овозини баралла қўйиб бақиради-я! Қишлоқда бир-бири бақирса борми, ҳамма кўчага гуяриб чиқади.

— Уртоқ, перашкага қараб тургин, бир-пасда қайтаман, — деди Матназар Комилжонга. «Тавба, шу оғайним қилган ишни мен эллолмаймамми», дея ҳаётидан ўтказган Комилжон савдони бошлаб юборди.

— Иссиқ перашка, жойи, чойи билан... Грязный перашка, чай... чай... Бу гапни эшитган харидорлар тоамни олмай кетишверди. Бир-пасда хўрандалар кетиб қолди.

— Грязный перашка, грязный перашки... Комилжон ҳамон баланд овозда бақирарди. Анчадан кейин келиб воқеадан хабардор бўлган Матназар дўстидан астойдил ўпка-

ланди. — Шарманда қилдингку, оғайнижон, — деди у даргазаб бўлиб. — Энди бу «ифлос» перашкани қандай қилиб сотаман?!

Эмоми Комилжон кетганидан кейин ҳам Матназарнинг перашкасини харидорлар олмай қўйишди. У эса бошқа бозордан жой топунича анча зарар ҳам кўрди.

Анвар ҚУРБОНОВ ЭНДИ УЙЛАНАДИГАН БЎЛДИМ

Ушбу воқеани Тошкент туманида истиқомат қилувчи дўстим Эркин сўзлаб берганли:

Қишлоқда яшовчи Шомил тракторчининг лақаби «тентак». Аслида унинг ақли жойида. Айби ҳовлиқма яна озгина нуқсонни шуки, бефаросатроқ.

Бугедай ўрми роса қизиган. Тракторлар тирбанд. Шомилни галла ташшига қўйишди. Тележка тўлса бугдой. Трактор тез бо-раётди.

Йул нотекис. Трактор силкинади, тележка оғир... ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ташлайди... Шомил «тентак» кўзига қарамайди. Кабинасида радио бақиради. У «газ»ни янада босади. Омборхонага теда етиб келиб ор-тига қараса тележка йўқ. Ҳайрон бўлиб изидан келиб тўхтаган «Москвич» эгасидан сўради:

— Салим, йўлда тележка кўрмалдингми? — Кўрдим, — деди Шомилни лақиллатмоқчи кўзлаб Салим бамайлихотир, — икки ситирини уриб, улдириб, бугедайи билан ан-ҳорга ағанаб кетди.

Бундан ваҳимага тушган Шомилнинг кўзига ёш қалқиди, бақириб йиғлади. — Энди нима қиламан? Уйланаман деб юривдим. Тўрт тонна бугедай, икки ситирининг пулини қаердан топиб тўлайман? Шу пайт икки тележка ортган трактор келди. Ҳайдовчиси эса Шомилга бақирди. — Ҳой, аҳмоқ! Аравангини ол. Йўлга таш-

лаб кебсан... Бу гапни эшитиб хурсанд бўлиб кетган Шомил минг марта раҳмат айтиб тракторчини ўпиб олди ва бақирди.

— Урра, энди уйландиган бўлдим. Ҳайриятки, тележка келди.

Тўра ИЛҲОМОВ ҲАЙДАНГ МАШИНАНИ, КЕТДИК...

Абзал олиб-сотарининг тантилиги тудди. Хотира ва қардлаш кўни арафасида иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган отасини хурсанд қилмоқчи бўлди.

Отасининг ёнига бориб, унга совға олиб беришини айтиди ва бозорга бирга боришга ундади.

— Чарчаб қоламан-да, ўғлим. Мадорим йўқ, — деди ота. — Машинага бир қадам йўл. Бозорга ўзим кириб чиқаман. — Қўлтиқабда қийнаб қўяман-да. — Йўқ, ота. Бирга борамиз. Отанинг кўнмасликдан бошқа иложи қолмади.

Икковлон йўлга чиқишди. Манзилга етганда Абзал ҳайдовчига шу ерда кутиб туришини айтиди-ю, ўзи бозороралаб кетди. Тунов кўни ўзи кўзлаб кўйган оёқ кийимлар растасидан кўнгли ёққанини танлади. Нарҳини сўради, «ўттиз минг сўм».

— Тўфлини оламан. Фақат отанинг «размери»ни билмайман. Чап оёғини бериб туринг, отамга кийдириб кўраману, келаман. — Бемалол, — рози бўлди сотувчи. Абзал тўфлини отасига кийдириб кўрди. — Бўладими ота? — Дилинг чаккамас, бокам. Менга ёқди. Умрингдан барака топ, — дуога қўлини очди ота севинчини яширмай.

— Унда ҳайданг машинани. Кетдик, — деди Абзал ҳайдовчига. Абдулла НУРМАТОВ

Газетхон таклиф қилади

АВТОБУС ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛСА...

Илгари Матбуотчилар кўчасидан ҳам автобус қатнаб газеталар тахририяти биносининг рўпарасида тўхтаб ўтар эди. Кейинги йилларда у қатнамай қўйди. Натихада бу ердаги неча ўнлаб газеталарнинг ходимларидан (3-4 минг киши) анчагинасининг узокдан бинога пиёда келишларига тўғри келмоқда.

Шу боис Матбуотчилар кўчасидан яна автобус қатновини йўлга қўйиш ҳақида уйлаб кўрадиган вақт келди назаримизда, деб ўйлаймиз. Бунинг учун алоҳида бир маршрут очишга эҳтиёж йўқ. Чорсу-дан Кўйликка қатнайдиган 68-автобус "Мустақил-лик майдони" метро бекатига келган тўғрига Офи-церлар саройи томон юрмай ўнган бурлиса Матбу-отчилар кўчасига ўтади ва бу ерда бир тўхтаб ол-ган, Тошкент Куранти орқали аввалги йўналиши бўйича Кўйликка кетаверади.

Шарафиддин ТУРОБОВ, Юнус ЗИЁДОВ, Мухаммадсидик РАҲМАТОВ.



Бугунги кун ўзбек ёшлари... Улар қанчалик бахтли, саодатли дамларнинг, оламшумул ўзгаришларнинг гувоҳи бўлишмоқда... Энг муҳими келажак ворисларнинг нигоҳида нур балкиб турганини пайқаш кийин эмас. Бу зиё шўъласида Ватан истиқболи учун жўмардлик, ўзидаги бор истеъдод ва қобилиятни шу азиз юрт учун сарф этишдек олижаноблик бор. Ҳа, академик шоиримиз Ф.Ғуллом айтганидек: «Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди, билиб қўйки сени Ватан кутади».

... сўрайди

ЭЪТИРОЗИМИЗ ЙЎҚ, АММО...

Ҳар йили қиш фасли бошланиши билан бизнинг «Кўйлик-Ота» маҳалласи фуқаролари совуқдан азият чекишади.

Ҳамза туманининг бир чеккасида жойлашган маҳалла-лаими хонадонларида босим паст деб жавоб беришган. Балки қиш анча қаттиқ келди, қор ҳам кўп ёлди, совуқ кунлар авжига чиқди. Фақат маҳал-ладолларимиз газнинг па-стлигидан қиш келди дегунча бизиллаб қолишгани алам қилади кишига. Хурматли тах-ририят ходимлари, биз газ идораларини танқид остига

Маажжжж БОЛАЛАР БОГИ ҚАЧОН БУНЁД ЭТИЛАДИ?

Йўлингиз тушиб, шу яқин орада "Юнусо-бод" универсамга борганимиз? Бу савдо марказининг шундай ёш томонида маскан топ-ган бўшлиқ майдончага кўзингиз тушади, албатта.

Бу худуд яқин ният билан Юнусобод тумани болалар боғини бунёд этишга ажратилган эди. Ча-маси бундан уч йил аввал ана шу гўшани бунёд этиш ишлари бошланган эди.

Эски бинолар бузилиб, бўлажак болалар боғи худуди кенгайтирилди. Айланма йўлақлар чирой-ли қилиб ётказилди. Чор атроф деворчалар билан ўрала бошланди.

Бу ерлик аҳоли хиёбонда каруселли мўъжаз ўйингоҳ қурилганидан яқин хабардор. Унинг ёнида болаларбоғи сув хавзаси бунёд этилди.

Ишнинг бошланиши шу тариха давом этди. Орада қиш кунлари бошланди. Яна баҳор келди. Кўпчилик боғни бунёд этиш ишлари яна давом эттирилишига ишонч билдирган эди. Аммо қутил-ганидек бўлмади. Қурилиш қандай ҳолда бўлса шундайлигича қолиб кетди. Болалар боғи ўрни қаровсиз ҳолга келиб қолди. Унинг ўртасидан ке-сиб ўтадиган қатнов йўли очилди. Кўм-кўк қиёғига кириб қолган хиёбон эндиликда ташландиқ ҳолга келиб қолди. Бундан фойдаланиб, бир-иккита савдо дўконлари бинолар қурилди. Хатто, атир-упалар билан савдо қилувчи дўкон очилди.

Мамлакатимизда болалар спортга катта аҳами-ят берилаётган ҳозирги бир вақтда болалар боғ-ларига бўлган эҳтиёж катта, албатта. Ҳар бир ту-ман ўзининг болалар боғу-хиёбони, яшил май-донларига эга бўлиши лозим, деган саъй-ҳара-катлар ҳам бу яқин ниятни тақозо этмоқда.

Шундай экан, бошқа туманлар қаторида Юну-субод туманида ҳам болалар боғини очилишини вақти етиб келди. Эндиликда гап бошланган ишни давом эттирган ҳолда уни тўлалигича битказиб, ўғил-қизлар яқин дам оладиган, турли ўйинлар билан машғул бўладиган сеvimли гўшага айлан-тиришда қолган. Мутасадди ташкилотлар бунинг уддасидан чиқадилар деб ишонч билдирамиз.

Ақбар АЛИЕВ, Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги

Ақбар АЛИЕВ, Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги



Бугунги кун ўзбек ёшлари... Улар қанчалик бахтли, саодатли дамларнинг, оламшумул ўзгаришларнинг гувоҳи бўлишмоқда... Энг муҳими келажак ворисларнинг нигоҳида нур балкиб турганини пайқаш кийин эмас. Бу зиё шўъласида Ватан истиқболи учун жўмардлик, ўзидаги бор истеъдод ва қобилиятни шу азиз юрт учун сарф этишдек олижаноблик бор. Ҳа, академик шоиримиз Ф.Ғуллом айтганидек: «Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди, билиб қўйки сени Ватан кутади».

... сўрайди

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАҚИДИ

ДОМО БУЛАР...

• Минг оғиз беҳуда сўздан бир лукма нақд таом яши.

• Унутмагинки, ҳар бир айтилган сўз кишининг юрагидан дарах беради.

• Бирор ерга борганда эмаланиб узок ўтирмаслик ва ўтиришда эса фақат керакли сўзларни гапириш одамнинг қадру қиммати оширади.

• Дунёнинг барча ёмонлиги қулфланган бир уйга яширилган. Унинг калити бойликка бўлган хиродир.

• Ҳикмат. Киши саҳий душмандан сақланганидан кўра хасис дўстдан асрангани яхшидир.

Байт:

Ҳар кимсада бўлса қабих бир одат, Бу одатни қилар бир кунни такрор.

• Ўз нафсини деб бойлик кидиришдан қочиш натижаси роҳат, эл молидан тама ипини узиш натижаси муҳаббат, ўзгалар сирини билиб, айбини топаман дейишдан қўл ювиш натижаси юксак хулқидир.

• Тинч бўлай десанг нафсинг хоҳишига қарама-қарши иш қил.

• Саломатликнинг қадри кетгандан сўнг билинади.

• Бир табиб бир одамнинг олдида келиб:

— Мен сенга учта нараса олиб келдимки, улар сендан ўзга кишига арзимайди! — деди.

— Улар нималар экан? — сўради улуғ киши.

Табиб баён қилиб деди:

— Сочни бўяйдиган рангки, у билан сочингни бир бор бўясанг, умринг охиригача бошқа оқармайди. Иккинчиси, ҳазм дорисики, ундан истеъмол қилсанг, ҳар қандай кўпол ва қаттиқ овқатни ҳам бир онда тилкалаб ташлайди. Учтинчиси шундай бир дорикки, ундан истеъмол қилсанг йигитлик айёминг қайтиб келади!

Табиб сўзини тугатгач, улуғ киши унга қараб деди:

— Сен олиб келган соч бўёғи алдов моясин, мағрурлик нишонаси, қариганда ёшларнинг қилиғини қилиш одамга ярашмайди. Қари кишига оқарган соч ҳам зийнатдир. Мен оқ сочларимни қора зулматга алишмайман. Айтган ҳазм дорингга келсак, мен кўринган овқатни еяверадиган одамлардан эмасман. Еганда ҳам ошқозоним ҳазмига ожиз бўлмаганларини ейман, учинчи дорингга келсак, бундай дори хою хавасга берилган аҳмоқ одамларга керак. Ўзининг савобли ишларини ташлаб қўйиб, кун бўйи хотинлар олдида хушомад уриб ўтирадиган киши бахтсиз кишидир.

Наврўз киришини байрам қилиш Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиёда анча қадимда таркиб топган анъаналар. У инсоннинг жуда қадимдан шакллана бошлаган маълум удуми, урф-одатлари, кундалик турмуш эҳтиёжлари, агроф-муҳит, табиат омиллари билан муносабатлари замирида вужудга келган. Асрлар ўтиши билан бу урф-одатлар мамлакатлар, халқлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланиши замирида кенг ёйила борган, мазмунан бойиган ҳамда маълум бир ўлкалар доирасида тарқалган муштарак ўлмас анъанага айланган.

Наврўз ҳақида энг тўла маълумотлар ва аниқ илмий хулосалар буюк мутафаккир олимлар Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Қонуни Маъсудий» ва «Мунажжимлик санъатидан бошлангич тушунчалар» асарларида ҳамда Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнама» рисоласида ёзиб қолдирилган. Наврўз байрами шарқда Эрондан то шарқий Туркистонгача, шимолда Кавказ ва Қозоғистондан, жанубдан то Ҳиндистонгача қадимдан кенг нишонланган.

Наврўзнинг Ўрта Осиёда байрам қилинишини Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобининг «Сўғдийлар ва хоразмликлар ойларидаги ҳайитлар» бобида таърифлаган.

Бухоролик тарихчи олим Абубакр Муҳаммад Жаъфар Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида ёзишича, Варахшада (Бухородан 30 километр шимоли-ғарбда жойлашган шаҳар) халқ йилнинг охирида йигирма кун бозор қилиб, йигирма биринчи кун Наврўз янги йил байрамини кутиб олган. «Буни деҳқонлар Наврўзи дейдилар. Бухоро деҳқонлари йил ҳисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга эътибор берадилар», деб ёзди Наршахий. Демак, Наврўзнинг асл моҳияти — баҳор, деҳқончилик байрами сифатида ўтказилиши асрлар давомида сақланиб келган. Наврўз баҳор, деҳқончилик, ризқ-рўз, бир сўз билан айтганда, табиат байрами, эл хурсандчилиги. Халқимизнинг кўҳна ва қадимий қадриятлари ичида Наврўз байрами алоҳида ўрин тутати. Бу байрам аввало тинч ҳаётни, ўзаро тотувлик, уйғониш, янгилиниш, меҳнат ва саодат туйғулари удуғлайди, табиат неъматларини қадрлаб, у билан уйғун яшашга даъват этади. Наврўз Мустақиллик йилларида ўзининг асл қиёфасини топди ва ҳақиқий маънода умумхалқ байрамига айланди. Байрам арафасида чинакамга гўзаллик ва нафосат рамзига айланган шаҳар ва қишлоқларимиз, кўча ва майдонларимиз, боғ ва хиёбонларимиз чиройига мафтун бўлиб боққанда биз буни қайта-қайта ҳис этамиз.

Бутун борлиқ ва она табиат ўз либосига бурканмоқда. Шу кунларда ҳар бир маҳалла, мактаб, ўқув юртлари, корхона ҳамда барча меҳнат жамоалари миллий умумхалқ байрамини муносиб кутиб олишга қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Наврўзи олам акин

Ўлкамизда гўзаллик даракчиси, баҳор байрами — Наврўз нафаси кезиб юрибди.

Шоир куйлаганидек:

**Кўёш тинги авжга миниб ниҳоят,
Қитиқласа бағрин эркалаб,
Камалак рангига бўялиб ҳаёт,
Кўз ўнгимда қатра шабнам ялтираб,
Баҳор кезади.**

Дарҳақиқат, сизни ва бизни, йигит ва қизни, ёшу кексани, хуллас барча ҳазрати инсонни навқиронлик, гўзаллик шодиёнаси чорламоқда. Она табиат гўё янгидан тўғилгандек бўлиб, бутун борлиқ—поёнсиз далалар, ме-

мени еткурсанг,

**Ҳар тунунг қадр ўдубон,
Ҳар кунунг ўлсин Наврўз!**

Учинчи асрда яшаб ижод этган тарихчи Абу Бакр Муҳаммад Ибн Жаъфар Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида қадимдан ажодларимиз Наврўзни йилбоши сифатида сайил қилиб, нишонлаб келганликларини қайд этиб ўтади. Аслида Наврўз илми нужум қонуниятлари билан боғлиқдир. Негаки, 21-22 мартда кеча ва кўндүз тенглашади, кунлар аста-секин узаяди. Кўёш ҳамал буржига қадам қўяди. Бу шодиёна 15-20 кун давом этган. Бу

кунларда ёшу кексаларга совага-саломлар улашилади, марҳумларни хотирлайдилар, ҳовли-жойлар орасланиб, яхши ният билан кўчатлар ўтқазилади. Ватанимиз бўйлаб ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари тобора авж олади. Маҳалларда оммавий ҳашар ўтказилиб, жамоат жойлари, кўчалар, мактаб ва боғчалар атрофлари янада обод қилиниб, гўзаллашади.

Наврўз кунини Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятлари аҳолиси кўм-кўк ўт-ўланлар билан қопланган, қир-адир ва тепаликларга, боғ-роғларга, сайилгоҳларга чиқиб турли кўнгилочар ўйинлар билан машғул бўлганлар, хушчақчақ суҳбатлар қурганлар, табиат бағрида сайр этиб, мазмунли ҳордиқ чиқарганлар. Бу улуғ айём кунини хотин-қизлар ҳам гўзал табиат каби ёшариш ва безаниш учун Наврўз сайлига атаб махсус янги кийимлар, сернақш кашталар ва рўмолчалар тайёрлашган.

Шу кунини улар ўзларининг энг азиз орзу-ниятларини ўртага солишган, матал ва эртақлар айтишган, қиз ва келин-чаклар ўсма ва сурма қўйишиб, мазмундор лапарлар, қўшиқлар ижро этган. Доира садоларига ўйнаб, бир-бирларининг маҳоратларини синашган.

Ўртбошимиз таъкидлаганларидек, «Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, шу билан бирга, бизнинг неча минг йиллик миллий қиёматизининг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси тасдиғидир».

Аждодларимизнинг бу ажойиб анъанаси бизнинг кунларимизда замон талаби билан янгича мазмун касб этиб, уни ўтказиш доираси янада кенгайди. Ҳозирда у меҳнат, ижод тантанасига айланиб, мазмун ва моҳияти билан бойиб бормоқда. Бобокалонимиз буюк мутафаккир олим Абу Али ибн Сино айтганидек, Наврўз — гул баҳорнинг дохил айёмига айланди. Миришкор боғбонларимиз, уста деҳқонларимиз шу айём кунларида мўл ҳосил яратиш учун завқ-шавқ билан ишта қиришмоқдалар. Бутун юртимизда деҳқончилик байрами, меҳнат шодиёналари Наврўз сайли билан уйғунлашиб кетди.

**Боғлар жамолига тўймай боқар кўз,
Бугун бахт ва баҳор таърифида сўз,
Дилни сурур билан тўлдирган байрам,
Гул фасли муборак айёми Наврўз!**
Бахт ва шодлик, тинчлик ва осойишталик, мўл-қўлчилик ва фаровонлик тимсоли, гул фасли Наврўзни хуш кутиб олайлик.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ



Табиат билан инсон ўртасидаги муносабат асосида ташкил топган қувончли дамлардан бири Наврўз байрамидир. Унинг пайдо бўлиш тарихи жамият тараққиётининг жуда қадимги босқичларига бориб тақалади.

ЯРАТИШ ВА ЯШАРИШ АЙЁМИ



вазору боғлар ўзгача либос кийиб, айрича тароват касб эта бошлади. Саҳий тупроқ бағридан типирчилаб, энтиқиб майсалар униб чиқа бошлади. Шовиллаб оқаятган анҳор лабларидаги кўк ялпиз, тўда-тўда бўлиб очилган бинафшалар ҳар бир дилни мафтун этиши аниқ. Булар Наврўзнинг орази, гулгун чеҳраси, саодатли ўлкамизнинг жамолидир. Баҳор байрами. Уни бутун жонли мавжудот, бутун табиат орзиқиб кутади. Уни қалдирғоч парвози, шалдироқ сув овози ва тоғу далалар, ясанган баҳмал кўкат ҳамда чечаклар нози байрами ҳам дейдилар.

Бу кун олам гулгун либосга

бурканиб,

Камалак рангига жилдоланади....

Наврўз байрами гоят қадимий ва оммавийдир. Уни Шарқ ва Ўрта Осиё халқлари ҳанузгача навқиронлик, яшариш ва янгилиниш, бахтиёрлик рамзи сифатида ардоқлаб келмоқдалар. Буюк бобокалонларимиз Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний, Умар Ҳайём, Мавлоно Лутфий ҳамда Алишер Навоийлар ўз ижодларида Наврўз тўғрисида батафсил тўхталиб ўтганлар, дostonлар битганлар.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий Наврўзни таърифлаб дейди:

Эй юзинг боғи насимда

ҳавойи Наврўз,

Лаъли тожинг бўлиб ул боғда бўстонарўз.

Зулфи рухсор ила номинга

Мурра олам

**ТАНТИК
КЕЛИННИНГ
ТИЛАГИ...**

Никоҳ тўйи турли халқларда турлича ўтказилади. Грецияда тўйда келинлар хумордан чик-кунча кўшиқ айтиб, ўйинга тушишади. Меҳмонлар ҳам ўйинга тушиб, келин-куёвнинг кийимига қоғоз пулларни кистириб кетишади. Ирландиялик куёв келини олиб кетиш учун келганида йўлини арконлар билан тўсиб олишади. Ҳар бир тўсқандан ўтиб олиш учун куёв шўрлик пул тўлаши керак. Баъзида эса куёвларни топишмоқ топишга кўшиқ куйлаш ёки шеър айтишга мажбур қилишади. Германияда тўй кунни хонадонга келадиган бало-қазо шунга урсин деб, бир нечта идиш-товуқни синдиретишади. Келин-куёв бахтли бўлишини ният қилиб, улар черковга бораётганида йўлларига арча шохлари тўшади. Индонезиянинг Бали оролида тўйдан олдин қайлик ўғирлаш одати бор. Бироқ, йигит бўлажак келинни бир сутка ичида уйига қайтариб олиб келиши керак. Акс ҳолда, полициядан нақд балога қолади. Янги Гвинеяда яшовчи куку-куку қабиласининг келинлари анчагина танतिक. Уйланмоқчи бўлган йигит келинпошгага нимани дегн, кўшисининг калласини тортиқ қилиши керак. Ана шу ишни удадаланган куёв бўла олиши мумкин. Бу қабилада одам калласидан тайёрланган таом танстик ҳисобланади. Асло ҳайрон бўладиган жойи йўк: куку-куку одамхўрлар қабиласидир.

**ЧЎКИБ КЕТГАН
ХАЗИНА**

Американинг Флорида Штати яқинидаги Мексика кўрфазиди сув остидан Испаниянинг "Нуэстра саенъора де Аточа" деб номланган галлоенинг ёғоч бўлаклари кўтариб олинди. Бу кема 1622 йилда чўкиб кетган эди. Худди шу кемадан, деб уқтиради ЮПИ агентлиги, ўтган йили хазина изловчилар тўрт юз миллион долларлик олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошларни топиб юқорига олиб чиқишган эди. Чўкиб кетган бу хазинани қидиришга ўзининг ўн олти йил вақтини сарфлаган гуруппа бошлиги Мел Фишер сув остидан кўтариб олинган кема корпусининг бу қолдиқлари Ки-Уэста коллежларидан бирига берилди, деб айтган. Коллежда бундан сув ости археологисини ўрганишда фойдаланилади.

**АНТЕННАДАГИ
УЯЛАР**

Қушлар Япониянинг телефон-телеграф корпорациясини хиддий ташвишга солиб қўйдилар. Сунъий йўлдошлар билан алоқа қилувчи етти та парабола антеннага қушлар тўдаси доимо "хужум" қилишмоқда. Қушлар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтишаётганида антенналарга қўнишади ва уларнинг юзасини ифлос қилиб ташлашади. Антенна конструкцияларига эса кабуларлар ва чумчуқлар ўзларига уя солиб олишмоқда. Қаргалар эса, ўзларининг ўткир тумшуклари билан симларнинг устини чўкиб, уларни яланғочлаб қўймоқдалар ва натижада қиска туташувлар содир бўлмоқда ҳамда антенналарнинг қуввати камаймоқда. Қушларнинг бу "хужум"ига қарши олиб борилаётган кураш ҳозирча ҳеч қандай натижа бермапти, деб ёзади Болгарияда чиқадиган "Орбита" ҳафталиги.

**УЮШМА ЎЗЛИГИНИ НАМОЁН
ҚИЛМОҚДА**

Дастлабки нодавлат нотижорат ташкилотлардан бири - Ўзбекистон ишбилармон аёлларининг "Тадбиркор аёл" уюшмаси 1991 йил июнь ойида ташкил топган эди. Мамалякатида ишбилармонлик ҳаракати эндигина шаклланиб келаётган ўша кезларда тадбиркорликка чоғланган аёлларга нисбатан қандайдир ётсираш кайфияти мавжуд эди. Бундай муносабат эса ўз режаларини амалга ошириш йўлида тадбиркор аёлларни муайян муаммоларга рўпара қилиб қўйган эди.

— Ўша пайтлари елиб-югуришимизга, эркаклардан кам иш қилмаслигимизни исботлаш учун ўзлимизни намоян қилишга тўғри келган эди, - дейди уюшма раисасининг ўринбосари Малика Раҳимжонова. — Бугунга келиб шаклланиш даври ортда қолди, уюшмамиз оёққа туриб олди. У нафақат мамлакатимизда, балки хорижий элларда ҳам ўз эътирофини топди. Буларнинг барчасида уюшмага асос солган раисамиз Дилдор Алимбекованинг ҳиссаси катта. Унинг қатъияти, гайрат-шижоати ва меҳнатсеварлиги кўпгина қийинчиликларни енгиб ўтишимизда жуда қўл келди.

Хозирги даврда "Тадбиркор аёл" уюшмаси "Business Professional Women" умумжаҳон ташкилотининг аъзоси, Халқаро меҳнат ташкилоти, МДХ Аёллар ноҳукумат ташкилотлари Ассамблеяси ва ИШ билан таъминловчилар Конференцияси, Ҳамдустлик таркибидидаги кўпгина мамлакатлар савдо-саноат палаталари ва тадбиркорлар иттифоқининг ишончли шериги ҳисобланади. Уюшма тадбиркорлик соҳасида аёлларга дастлабки қадамларни қўйишга, бизнес-режаларини тузишга ёрдам беради, уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилади, кредитлар олишга қўмаклашади, тренинг ва семинарлар ўтказиши.

Ишсиз аёлларни ўқитишдаги ютуқлари учун уюшма икки мартаба БМТ сертификатлари сазовор бўлди. 2000 йили аёлларнинг профессионал билими соҳасидаги энг яхши лойиҳаси учун уюшма БМТ мукофотига лойиҳ топилди.

Жорий йилда ҳам бизнинг тадбиркор аёлларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Мамлакатда турмуш шaroитларини яхшилашдаги илгор тажриба" йўналишидаги "UN-HABITAT" мукофоти билан тақдирландилар. Беш босқичдан иборат бўлган ушбу танловга дунёнинг 90 мамлакатидан 650 та лойиҳа тақдим этилган эди.

Уюшма ишсиз аёлларга билим беришдан ташқари республикада Жамғарма кредитлари иттифоқини барпо этиш устида ҳам иш олиб бормоқда. Шунингдек, у Европа комиссиясининг "Ўзбекистонда аёлларнинг иқтисодий макомини юксалтиришга қўмаклашиш" лойиҳасида ҳам қатнашмоқда. Маъзур лойиҳа мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Бугунги кунда уюшманинг иқтисодий ёлтимизда қарийб 70 минг ишчи ўрнини яратган 5 минг нафардан зиёд аъзоси бор.

"Жаҳон" АА.

Германия Федератив Республикаси пойтахтидаги Католик академияси биносида таникли немис сураткаши Катарине Эггланнинг "Буюк Ипак йўли: Берлиндаги Ўзбекистон" деб номланган фото кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. К. Эггланнинг 2002 йили Тошкент, Самарқанд, Бўхоро ва Хивада туширилган салкам 50 та фотосурати ушбу кўргазмадан жой олди.

**"БЕРЛИНДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН"**

Маъзур тадбирнинг очилиш маросими доирасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик ва маданият-маърифий салоҳияти ҳамда мамлакатимизда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мавзусига бағишланган тақдирот ҳам бўлиб ўтди.

Берлин Католик академияси директори С.Шмидт ўз чиқишида Ўзбекистондаги турли миллат ва дин вакиллари бирдамлик ва бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш мавжуд эканини алоҳида таъкидлади. Ўз навбатида К. Эгглан кўргазмага қўйилган ижод намуналари ҳақида таъкидлаб, Ўзбекистоннинг табаррук замини меъморчиликнинг бетакорор қўнға дурдоналарига бениҳоя бой эканлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди.

**Баҳриддин АСЛАНОВ,
"Жаҳон" АА мухбири
Берлин.**

Мунажжим башорати

ҚУВОНЧЛИ ВОҚЕАЛАР КУТАДИ

15 МАРТ, СЕШАНБА

Кунинг биринчи ярмида кечаги тавсиялар ўз кучини сақлаб қолади, ортиқча талаблардан қочинг, димоғдорликка йўл қўйманг, катта ишларга уринманг.

Соат 16.45 дан кейин ўтган йил декабрь ойида ҳаётингизда юз берган воқеаларни эслашга ҳаракат қилинг. Қариндош-уруғлардан, амалдорлардан кўмак сўрашингиз ёки қўл остингиздагиларга қўйган талабларингизни кўз олдингизга келтиринг. Уларни ҳозирги ҳаётингиздаги воқеалар билан таққосланг. Зарур ҳудосалар чикаринг. Эҳтимол, сизни тўлқинлантираётган муаммолар ўз-ўзидан ечимини топади. Олий ўйунлик сайёраи Нептунни «қироллар юлдузи» Юпитер билан боғлаб турвчи мадад рилташга шу умидни туғдиради.

Бугун яхши меҳнат қилиш, ерга ишлов бериш, ўз саломатлигингизга эътибор қили-

шингиз керак бўлади. Уй ҳайвонларини ва хонаки ўсимликларни парваришланг. Ҳар қандай мулоқотлар, янги танишувлар, тижихш ва тўқуш ишлари, харидлар ва молиявий операциялар хайрли бўлади. Таъмирлаш ёки қурилиш ишларини бошлаш мумкин.

Сутнинг тўқилиши, тасодифан топилган болалар йўлчиқлари ёки ёғоч буюм яхшилик аломати ҳисобланади. Бугун пойабзалнинг йиртилиши ёки қўлингизда бирор нарсанинг синиши яхшиликка бўлмайди.

Кечаси қўрилган тушларнинг бугун унчалик аҳамияти йўк. Лекин тушингизда дала-лар, ерлар, қандайдир таомни кўрсангиз - булар омад ёр бўлишидан нишона. Ўзини яланғоч ҳолда қўриш йўқотиш ва тўсиқлардан оғохлантиришидир.

Томоқ ва бўйин, эндокрин тизими бугун

хасталикларга мойил бўлади, қулоқларингизни эҳтиёт қилинг. Гулш истеъмоли ва кўп суюқлик ичишдан ўзингизни тортинг.

Кийинишда ёрқин, аммо кўзга яққол ташланмайдиган ранглارни танлаганингиз маъқул. Сарф-яшил ва зангори ранг аралашмаси омадли ҳисобланади. Қизил рангдан нарироқ бўлинг.

БУГУН:

— илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

— ёқимли, аммо катта чиқим талаб қилмайдиган харидлар қилиш (масалан, пардоз ашёлари, китоб ёки кассеталар сотиб олиш);

— куч ва имкониятларингизга мутаносиб меҳнат қилиш;

— муаммоларингизни телефон, Интернет ва бошқа замонавий алоқа воситалари ёрдамида ҳал этиш тавсия этилади.

Ташаббус кўрсатиш ёки таъжовукорликни намоян этиш, қалтис ишлар билан машғул бўлиш, ҳар қандай йўл билан истақларингизни рўёбга чиқаришга уринишни маслаҳат бермаймиз.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

2005-2006 йилги иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида, 2005 йилнинг 23 мартдан 31 мартгача Тошкент шаҳрида қувурлардан фойдаланиш бўйича гидравлик хусусиятлари кўрсаткичларини аниқлашга доир ва иссиқлик тармоқлари ҳамда иссиқ сувнинг энг юқори ҳарорати синовлари ўтказилади.

5-ИМ (28 март) ва 1-ИМ (29 март)нинг таъсир доираларидаги қуйидаги манзилларда иссиқлик ва иссиқ сув бўлмайди.

5-ИМ 28 март куни — Чилонзор мавзеси 6-12, Ц, Г19А, 16-201 2Б-дахалар, Думбироабод, Оқтепа, Қизил Шарк, Гулстон турар жой мавзелари, Заргарлик, Я.Купала, Муқимий, Рохат, Фарход, Чўпон ота, С.Мираҳмедов, Новза Қозиробод, Наққошлик қўчаларида.

2005 йил 23 мартдан 31 мартга қадар иссиқлик тармоқларининг энг юқори ҳароратта синовлари ўтказилади, шу сабабли иссиқ сув энг юқори ҳарорат билан берилган вақтда истеъмолчилар иссиқ сув таъминотини ўчириб қўйишлари лозим. Болалар боғчалари, уйлари, ўқув ва даволал муассасаларида иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тўлқ ўчириб қўйилади.

6-ИМ 23 март куни — Мунис, У.Олимбеков, Бехтерев, Янги Замон, А. Фитрат, Фаргона йўли қўчалари, Қўйлик 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 турар жой мавзелари, Қўйлик-айланма Халқа йўли.

10-ИМ 23 март куни — Фаробий, Беруний, Мухбир, Чимбой, Қамарнисо, Мирзо Ғолиб қўчалари, Талабалар шаҳарчаси, Чимбой, Фаробий, Жарарик, Қорақамиш—2/2, 2/3, 2/4, 2/5, Тансиқбоев — 1, 2, 3, ЎзМУ — ТошДТУ, Олимпия, Шифокорлар шаҳарчаси, Ибн Сино—1, 2, Белтепа мавзелари.

7-ИМ 24 март куни — Лисунво, Элбек, Шолохов, Бирлашган, Слоним қўчалари, «Авиакорувчилар» шаҳарчаси худуди, Гўзал-1, II, III, IV, 1-УҚҚ, Слоним 1, 2 турар жой мавзелари.

8-ИМ 24 март куни — Сергели 1-8а, Спутник-8, 15, 16,

17, Дўстлик-1, 2 турар жой мавзелари.

9-ИМ 29 март куни — Чилонзор мавзеси 13, 14, 15, 21, 22, 23, 24, 30, 31-дахалар, Қизил Шарк, Ал-Хоразмий-1, 2, Бешқайрағоч, Гулстон турар жой мавзелари, Х. Турсунқулов, Раҳимбобоев, Ширин, Лутфий қўчалари.

ИЭМ (М-О) 30 март куни — Бобур, У.Носир, С.Мираҳмедов, Арнасой, Ш.Исломов, Муқимий, Аския, Чўпон ота қўчалари, Ш.Рашидов шох қўчаси, Афросиёб қўчалари, Ц-7, Чилонзор мавзеси 1, 2, 3, 4, 5, Е, И-дахалари.

ИЭМ (М-5,8) 31 март куни — Бобур, Афросиёб, А.Тўқай, Глинка, Нукус, А.Темура, Ц-1, Ц-2, Ц-4, Ц-5, Мовароуннахр, Лоҳутий, Т.Шевченко, Шаҳрисабз, Локомотив, Х.Умаров қўчалари, Қўшбеги, Бошлик, «Учувчилар шаҳарчаси» турар жой мавзелари.

Қувурларда носозликлар бўлиши мумкинлиги ҳақида сизни оғохлантириб қўйишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Йўл ва қўчаларнинг қатнов қисмига ва йўловчилар йўлқаларига иссиқ сув сачраши, тошиши эҳтимоли мавжуд, ҳайдовчилар ва пиёдалардан, маъмурий ва турар жой биноларида бўлган одамлардан эҳтиёт бўлишлари талаб этилади.

Вақтинча ноқулайликлар учун бизни тушунасиз деб умид қиламиз. Ноодатий ҳолатларни сезишингиз билан 133-32-32 телефонига кўнғироқ қилишингизни сўраймиз.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 220-мактаб томонидан 1999 йилда Бекзод Хабибуллаевич Пўлатов номига берилган О'РА №570304 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛДИ**

Ҳамза туманидаги «Меҳри-Турон» уй-жой мулкдорлари ширкати қайта ташкил этилаётганлиги муносабати билан даъволар ва шикоятлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида қабул қилинади.
Тел: 96-61-73

Спорт

**ТЕРМА
ЖАМОАМИЗ —
БИРИНЧИ**

Кейинги пайтларда спортнинг бошқа турлари қаторида таэквондо ривожига ҳам мамлакатимизда катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу фикримизни куни кеча Қирғизистон Республикасининг пойтахти Бишкек шаҳрида таэквондо бўйича уюштирилган халқаро турнир яққол исботлайди.

Ўзбекистон, Россия, Қирғизистон, Тожикистон терма жамоалари иштирокида уюштирилган ушбу турнирда 300 нафар спортчи омадини синаб кўрди. Шуниси қувончлики, 40 нафар иқтидорли, келажаги порлоқ таэквондочилардан таркиб топган Юрий Ли ва Фахриддин Умаровлар етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси барча учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб турнир якунида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Дарвоқе, мусобақада иштирок этган 40 нафар ўзбекистонлик таэквондочиларнинг барчаси совринли ўринларни қўлга киритди. Терма жамоамизнинг 15 нафар аъзосига эса турнирнинг олтин медаллари nasib этди. Мусобақаларни бевосита кузатган мутахассислару мухлислар эса ўзбекистонлик таэквондочилардан Бахтиёр Исроилов, Диана Кабулова, Максимум Пак, Лаура Ажиметоваларнинг ҳаракатларига юқори баҳо беришди.

**МАШГУЛОТЛАР
БОШЛАНДИ**

Жорий йилда футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасини англиялик мутахассис Тоал Коли Йозеф бошқараётганлигидан мухлисларнинг хабари бор албатта.

Шуни таъкидлаш жоизки, бўлгуси халқаро турнирларда ёшлар терма жамоасининг муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш мақсадида янги бош мураббий ўқув машгулотларини бошлаб юборди. Ҳозирда ёшлар терма жамоаси аъзолари шахримизда тайёргарлик машгулотларини ўташмоқда. Ушбу тайёргарлик машгулотлари беш кун давом этади.

(Ўз мухбиримиз)

Педиатрия илмий-текшириш институти ва клиникаси жамоалари шифокор

**Флора Атаматова
НАБИХОНОВА**

вафот этганиги муносибати билан марҳуманинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилими: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет
усулида босилди.
3009 нусхад босилди. Қороз биринчи А-3

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бўшқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар
ҳовларга почта бўлимларига ёки «Тошкент
почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Қўл жанги

УМИДЛИ ЁШЛАР БЕЛЛАШДИ

Шаҳримиздаги МХСК спорт залида уч кун давомида 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ўртасида қўл жанги бўйича очик республика чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди.

Турнирда Самарқанд ва Андижон вилоятларидан ташқари республикамизнинг барча ҳудудларидан 300 га яқин ёшлар қатнашиб, галаба учун кураш олиб боришди. Биринчилик низомига кўра иштирокчилар 10-11, 12-13 ва 14-15 каби учта ёш тоифасига бўлинган ҳолда ўзаро баҳс юритдилар.

Биринчилик баҳсларини кузатар эканмиз, аксарият баҳсларда ёшларга хос жўшқинлик, қизикқонлик, галабага бўлган кучли интилиш хислатлари намоен бўлганлигининг гувоҳи бўлдик.

Қизиги шундаки, 10-11 ёшгача бўлган болажонлар ўртасида ўтказилган дастлабки гуруҳдаги беллашувларда ҳамшаҳарларимизга омад кулиб боқмади. Бунда олтин вазиининг учтасида Наманган вилоятининг ёш спортчилари С. Баррадин, С. Мамадалиев ҳамда Б. Азизовлар ҳурмат шохсупасининг энг юқори погонасидан ўрин олишди.

Кейинги ёш тоифасида эса бешта вазиининг учтаси — 34, 38 килограммгача ҳамда 46 кило-

граммдан юқори вазиинларда А. Эрқин, Ш. Рўзиев, Р. Юсупов каби ҳамшаҳарларимизга тенг келадиғанлар топилмади.


14-15 ёшли ўсмирлар ўртасида фақат тошкентлик спортчилар галаба нашидасини суришди. Яъни С. Ҳабибов, О. Аҳров, Т. Шорустамов, О. Сирожиддин, А. Мирзаочиллов ва Б. Раҳматовлар олтин нишонлар соҳиблари бўлишди.

Очик биринчилиكنинг барча ғолиб ва совриндорлари медаллар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Яхши иштирок этган спортчиларнинг спорт тоифалари оширилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.



Болалар спорти

**ҚИЗЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ
КўРСАТИШДИ**

Она бир қўлида бешикни, бир қўлида эса дунёни тебратад, дейди халқимиз. Шундай экан она саломатлиги, унинг ҳар томонлама бекаму кўст яшаши учун шароит ярати бериш, жисмоний имкониятларини назорат қилиб бориш зарур бўлади. Ана шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жорий йилнинг Сихат-саломатлик йили сифатида эътироф этилиши мамлакатимизда хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида ўзига хос имкониятлар эшигини очди.

Ҳозирда пойтахтимизнинг қатор туманларида хотин-қизлар ўртасида кўплаб спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларни уюштиришдан кўзланган мақсад, юқорида қайд этилган масалаларни қамраб олиш борасида, уларга хос бўлган спорт турларини тобора оммалаштиришнинг ҳам имконини беради.

Республика Болалар спортини ривожлантириш

жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Ҳамза туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида 230-ўрта умумтаълим мактабида хотин-қизлар ўртасида спортнинг стол тенниси, волейбол, шахмат, шашка турлари бўйича ўтказилган баҳслар фикримиз далилидир.

Таъкидлаш жоизки, икки кун давом этган кескин ва мurosасиз мусобақаларда Ҳамза туманидаги 198, 204, 206, 230,

249-мактабларнинг X-XI синфларида таҳсил олаётган энчил, чаққон қизлар ўзаро куч синнашдилар. Шу билан бир қаторда 25 ёшдан юқори бўлган катта ёшдаги спорт илосмандлари, турли жамоат ташкилотларидан ташриф бурюрган вакиллар ҳам ўзларининг жисмоний жиҳатдан нималарга қодир эканлигини амалда исботлашга ҳаракат қилишди.

— Гарчи аёлларимиз, қизларимиз табиатнинг нозик ҳилқатлари бўлсалар-да, уларда ўзига хос жисмоний устунликлар мавжудлигини кузатиш қийин эмас, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ҳамза туман бўлими етакчи мутахассиси Ўткир Каримов. — Уйлаймизки, ушбу баҳсларда ўз маҳоратларини тўла ишга солган қизлар орасидан келажақда — Ирода Тўлаганова, Оксана Чусовитина, Лена Черязова сингари йирик спорт ареналарида юртимиз байроғининг баланд хилпаршига ўз хиссаларини қўшувчи моҳир спортчилар етишиб чиқади.

Турнир якунида ғолиб ва совриндорларга мутасадди ташкилотларнинг дипломлари, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Қадрлар

**ДўСТ АЧИТИБ
ГАПИРАДИ...**

Ҳаво ёқимли, тоза. Дераза ва эшиклари зич ёпилган уйдагина ҳаво ёқимсиз. Сал шамол эсса ўзини иссиққа урадиған уй эгаси шамоллаган ўғилнинг ёнида ивирсийди. Эшикни қия очиб уйига кирган қўшни кампир кўнгил сўрайди:

— Арзанданг тузуқми? — саволига жавоб олмасданқоқ уни юпатади. — Дарди енгил, ўтиб кетади.

— Айтганингиз келсин, — дейди келин ва чала ёпилган уй эшигини зичлаб ёпади. "Бировдан ўтанни биров билмас экан", — дейди ичида алам билан.

Кампир ҳазил-мутойиба билан гап қотади: — Болангда қасдинг борми, келинпошша. Уйинг-ку "хаммом". Устига-устак намунча ўраб-чирмайсан?!

— Шамол тегмасин, дейман, иссиғи чиқяпти. Боланг нега ҳадеб шамоллайди десам, ҳамма бало уйингда экан.

— Нима деяпсиз? — келиннинг юзига ҳазинлик югурди. — Менга қолса шамолласин, дейманми?

— Хафа бўлма, келинпошша. Тилим ўлгур аччиқроқ.

Кампир иссиқдан бўртган юзидаги терларини артиб эшикдан чиққач, ўзича ўйлади: "Сўзларим кўнглига қаттиқ ботдимикан-а, бахтига тузалиб кетсин боласи".

Кўнгил сўраб чиққан иккинчи қўшни аёлнинг сўзи узуққа кўз қўйгандек келинга ёқиб тушади.

— Болангининг иссиқда ётишини кўриб кўндимей. Эҳтиёт қилган яхши-да. Сал шамол ҳам ёкмайди. Ташқарига олиб чиқа кўрманг, — Тилингнизга шакар, кўнглимдаги гапни айтдингиз.

Қўшни аёл у билан хайрлашаркан, яна таъкидлайди: "Эҳтиёт қилинғ, эҳтиёт бўлган яхши-да".

Эшикдан чиққач, дилдаги гапни сиртига тепади: "Болани очик, тоза ҳавога ҳам ўргатинг, чиниканга тош тегмас" десам сенга ёқаримдим, менга нима, билганингни қилмайсанми, бола сенки".

Дўст ачитиб, душман кулдириб сўзлаганини келин хаёлига ҳам келтирмас эди.

**МАНМАН — ЎЗИГА
ДУШМАН**

Деворнинг кўп қисми сомонли лой билан сувалди-ю, озгина қолганда иш тўхтаб қолди. Лой бор-у, қўшишга сомон йўқ.

— Мени шундоқ сувайвер. Сомон қўшсанг мен ҳам хунук бўлиб қоламан, — деди лой андавага сомонли сувоқни кўрсатиб.

— Ундоқ дема. Маҳкам-соғлом яшашни ҳам ўйла.

— Мени камситтанинг майли-ю, — деди сомонли сувоқ андаванинги фикрини қўлаб, — юзим силлиқ турсин, кейин ўзининг эгилломай қолсанг мен ҳам хижолат. Тупроғимиз бир-ку ахир. Лой отдан тушса ҳам, эгардан тушмади. Сомонат яшашига бефарқ, сомон сувоқдан юқори кўрими бўлишга ишқибоз эди.

Андава зора ёрилмаса деб қайта-қайта пиширилган лойни илос билан сувади. Бўлмади. Қуригач, йўл-йўл бўлиб ажради.

— Ўзингни ҳам, мени ҳам уялтирдинг, — деди андава шайх билан сомонсиз лойни қўчириб тушаркан.

Ким манманлик қилса ўзига душмандир.

Ғани АБДУЛЛАЕВ